O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

БИЗ БУГУН МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛМОҚДАМИЗ. ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ ЭСА ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ВА РУҲИЯТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 11 МАРТ, ШАНБА

№ 30 (25.580).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ф. М. Муллажоновни «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашдаги ҳамда иқтисодиёт соҳасида ислоҳотларни ўтказишда қўшган ҳиссаси, республика ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштироки учун Файзулла Махсутжонович Муллажонов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 10 март

«Қаштекс» корхонасида ингичка толали пахта қайта ишланиб шу ернинг ўзида тола, ип ва матога айлантирилади. Эркаклар учун турли хил кўйлаклар, хотин-қизлар ва болалар учун кийимкечаклар ҳамда спорт уст-бошлари тайёрланади. Ўтган йилнинг иккинчи ярмида 340 тонна тола қайта ишланди. Умуман, йил бўйи 59 миллион сўмлик соф фойда олинди. Бу йил эса январь ойининг ўзидаёқ 68 тонна тола қайта ишлангани қувончли бўлди.

Суратларда: *1. Йигирувчилар Нафиса Тоирова, Нилуфар Холова ва Бозоргул Ашурова. 2. Ип-йигирув цехи оператори Лола Дўланова.*

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

МУКОФОТ — АҚШга ЙЎЛЛАНМА

«Colgate-Palmolive» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси истеъмолчилар ўртасида лотереялар ўтказиш орқали янги маҳсулотни бозорга олиб киришни самарали воситалардан бири деб ҳисобламоқда. Юртдошларимиз бундай тадбирларда иштиёқ билан қатнашмоқдалар. Ҳозиргача ўнлаб кишилар йирик совғаларнинг соҳиблари бўлишди. Яқинда «Colgate Total» тиш пастаси истеъмолчилари ўртасида навбатдаги лотерея ўтказилди. Компания ваколатхонасининг маркетинг бўйича менежери Петр Болотовнинг **мухбиримиз Ширин Раҳимбердиевага** маълум қилишича, унда республикамизнинг барча вилоятларидан, кичик шаҳарлари ва ҳатто қишлоқларидан истеъмолчилар қатнашганлар. Бош мукофот — Америка Қўшма Штатларига икки кишилик сафар йўлланмаси тошкентлик Татьяна Горянскага насиб этди. У ўз ўғли бешинчи синф ўқувчиси Сергей билан бирга сафарга жўнашга тараддуд кўрмоқда.

«ОФАРИН» — ҒОЛИБЛАРНИ КУТМОҚДА

«О Ф А Р И Н» — йилнинг энг яхши ижодкори Республика танловини ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни ташкилий қўмита раиси, маданият ишлари вазири Х.Жўраев бошқарди.

"Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимиз ва она-заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак оз!" шиори остида ўтажак танловда юртимизнинг энг дадил, энг малакали ва энг истеъдодли ижодкорлари танлаб олинади, деб таъкидланди йиғилишда. Бинобарин, уни юксак савияда ўтказиш жуда муҳим масаладир.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари томонидан ташкил қилинган ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўллаб-қувватланган мазкур танловни юксак савияда ўтказиш борасида бугунгача амалга оширилган ишлар, ҳомийлар иштироки, тадбирнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини ва экологик тозалигини тўлиқ сақлаш, ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 августдаги 366-ф-сон фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳ, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Чимён-Чорвоқ минтақаси ҳудудини унинг табиий-иқлим шароитларига кўра курорт ва дам олиш мақсадлари учун махсус муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд сирасига киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Чимён-Чорвоқ ҳудудини комплекс ва изчиллик билан ўзлаштиришга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги:

2001-2003 йиллар инвестиция дастурида Чирчиқ шаҳридаги тозалаш иншоотларини кенгайтиришни, Чимёнсой, Чорвоқ-Бақачўл, Чорвоқ-Ғазалкент канализация коллекторларини реконструкция қилишни, Бақачўл муҳандислик иншоотлари қурилишини, 2003-2005 йиллар инвестиция дастурида эса — чиқариб юборувчи канализация тармоқлари қурилишини;

2001-2003 йиллар инвестиция дастурида хўжалик ичимлик сув билан таъминлаш магистрал сув оқизиш тармоғи, сув тозалаш узеллари, насос станциялари, Янгиқўрғон дарёсидан сув олиш ва сув оқизиш иншоотлари қурилишини ҳамда маҳаллий булоқ сувлари манбаларидан сув олиш иншоотини, 2003-2005 йиллар инвестиция дастурида эса — сувни истеъмолчиларга етказиб бериш тармоқларини реконструкция қилишни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тозалаш иншоотлари, магистрал канализация коллекторлари ва сув оқизиш тармоғи, газлаштириш тармоқлари ҳамда газ тақсимлаш станциялари қурилиши бўйича буюртмачи этиб белгилансин. Бош пудратчи тендер асосида аниқланади.

4. Белгилансинки:

2001 йилдан бошлаб тозалаш иншоотлари, магистрал канализация коллекторлари бюджет маблағлари ҳисобига;

канализациянинг чиқариб юборувчи тармоқлари, сув таъминоти, газлаштириш ва энергия таъминоти объектлари қурилишни амалга оширувчилар ва Чимён-Чорвоқ зонасидаги объектлар эгаларининг улушли маблағлари ҳисобига;

магистрал канализация коллекторидан гидроқурувчиларнинг Чорвоқ посёлкасигача канализация тизимлари Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг маблағлари ҳисобига қурилади.

5. Белгилансинки, қурилишни амалга оширувчиларнинг ва Чимён-Чорвоқ зонасидаги объектлар эгаларининг улушли маблағлари "Ўзуйжойжамғармабанк"нинг махсус ҳисоб рақамида жамланади.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги улушли маблағлар тўпланиши ва жамланиши учун масъул ҳисобланадилар.

6. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, "Бошгидромет" бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, кемпинглар ва бошқа объектларни қурувчилар ва уларнинг эгалари бир ой муддатда барча объектларни хатловдан ўтказсинлар, Чимён-Чорвоқ зонасидаги объектлар қурилиши юзасидан мавжуд лойиҳасмета ҳужжатларини тафтишдан ўтказсинлар ва уларга тузатишлар киритсинлар ҳамда 2000 йилнинг I чорагида қурилиши тугалланмаган объектлар қурилишини 2001-2005 йилларда тугаллаш ёки тиклаш мумкин бўлмаган тақдирда уларни бузиб ташлаш тўғрисида таклиф киритсинлар.

"Ўзуйжойжамғармабанк", зарурият бўлганда, қурилишни амалга оширувчиларга объектлар қурилишини тугаллаш учун белгиланган тартибда кредит ресурслари ажратсин.

7. Тошкент вилояти ҳокимлиги, "Даврхитект-қурилиш" қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "Бошгидромет" бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Чимён-Чорвоқ ҳудудида қурилиш олиб бориш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорларни қайтадан кўриб чиқсинлар. Зарур бўлган тақдирда тегишли объектлар эгалари билан биргаликда уларни қайта жойлаштириш масаласини ишлаб чиқсинлар;

Чимён-Чорвоқ ҳудудида ва айниқса, Чорвоқ сув омбори соҳилларида экологик вазиятга зарар етказувчи ва сувни ифлослантирувчи, ўзбошимчалик билан қурилган объектларни йўқотиш масаласини қонунда белгиланган тартибда ҳал қилсинлар;

Чимён-Чорвоқ ҳудудида экологик вазиятга зарар етказадиган ҳар қандай саноат, қишлоқ хўжалиги объектлари ва бошқа объектлар қурилишини тақиқласинлар.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ва ташкил этиш бўйича Республика штаби тузилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Исаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 10 март

БАХМАЛ МАРМАРИ

Бахмал тумани ўзининг сўлим табиати, осмонўпар тоғлари-ю, йил бўйи яшнаб турадиган арчазорлари, қирмизи олмалари билан машҳур.

Тумандаги маҳаллий хомашё заҳираларидан фойдаланишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йили мармар тош қазиб олиш, уни қайта ишлашга қўл урилган эди. Қисқа вақт ичида бу йўналишда фаолият кўрсатаётган кичик корхона томонидан 2 миллион 970 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди, — деб хабар беради **мухбиримиз Иброҳим Жонузоқов.**

— Бахмал мармарига эҳтиёж катта, — дейди корхона раҳбари Турсунбой Алишев. — Чунки, у ўзининг сержилолиги, такрорланмас нафислиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам бизда ишлаб чиқарилаётган мармарга харидорлар сони тобора кўпайиб боряпти.

УҚҚАН РАИС — ОМАДЛИ

Наманган вилоятида 156 та жамоа, ширкат хўжаликлари бор. Ғапнинг дангали шу хўжаликларда ривожланиш бўлса, бутун вилоят қишлоқ хўжалик тизими оёққа туради. Бир сўз билан айтганда, занжирнинг энг заруур халқаси — хўжаликлар, — дея хабар беради мухбиримиз Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

Вилоят ҳокимлиги ҳар йилгидек бу йил ҳам хўжалик раҳбарлари ўқувини ташкил этди.

— Шунақа хўжаликлар ҳам борки, — деди вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов, — ғалла, пахта ҳосилдорлиги фермер хўжаликларида етиштирилганига қараганда жуда паст. Шартнома мажбуриятларини бажариш раиснинг бурчи.

Албатта, фақат танбеҳ эшитмади, раислар. Уларга тажрибали мутахассислар, олимлар, республика идораларининг мансабдорлари янги йўл-йўриқларни ўргатишди, энг сўнгги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўйича кўрсатмалар берилди.

Айни пайтда раислар вилоятимизнинг таниқли зиёли-олимлари билан давлат қурилиши, маънавият, миллий мафкура бўйича савол-жавоблар қилишди. Пировардида улар ўқув давомида олган билимлари доирасида тест синовидан ўтдилар, рефератлар ёзишди.

Ўқиш ўз йўлига, ҳамма гап ўқилганни уқишда.

ЙИЛ ОЙ КУН ◆ ЙИЛ ОЙ КУН

ЙЎЛ — ИНТИЗОМНИ СЕВАДИ

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида болалар иштирокида 105 та йўл ҳаракати ҳодисаси юз бериб, 89 нафар бола ҳалок бўлди, 25 бола тан жароҳати олди. Бундай кўнгилсиз оқибат мактабларда йўл ҳаракат хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари қониқарсиз олиб борилаётгани, болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмаганликлари сабабли юз бермоқда.

Хўжайли тумани халқ таълими бўлимига қарашли 80-ўрта мактабда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика давлат автомобиль бошқармаси билан ҳамкорликда болалар иштирокида йўл ҳаракати хавфсизлиги олдини олиш бўйича дарслар ўтиш, сифатини яхшилаш, синфларни йўл ҳаракати ускуналари билан жиҳозлаш, мактаб қошида автошаҳарчалар ташкил этиш режаси тузилди.

■ **Довуд АБИБУЛЛАЕВ, «Туркистон пресс»**

ДОВОНОЛДИ КОРХОНА

Ангренда барпо этилаётган янги корхонага «Автонефттранс» номи бериладиган бўлди. «Ўзбекнефттазхолдинг» компаниясига қарашли мазкур корхона Камчиқ довони яқинида жойлашади ва унда «Мерседес-Бенц» фирмасининг 550 та бензинташигичлари фаолият кўрсатади. Улар ёрдамида Бухоро ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналарининг маҳсулотларини ташиш ишлари кўзда тутилган, — деб ёзади **мухбиримиз Соҳибжон Салимов.**

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар мактабига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.



Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Мамлакат кубоги учун кураш ҳамиша қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлган. Сабаби, ҳар бир жамоа мавсум бошида чемпионлик ёки кубок иштиёқида ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам кубок учун курашнинг чорак финал учрашувлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Такрорий ўйинлардан кейин ярим финалчилар аниқланди: «Пахтакор» — «Насаф» — 1:1, 0:3, «Навбаҳор» — «Дўстлик» — 2:2, 0:4, «Нефтчи» — «Семург» — 4:0, 1:3, «Самарқанд» — «Сўғдиёна» — 7:0, 3:0. Ярим финалда эса «Насаф», «Дўстлик», «Нефтчи», «Самарқанд» жамоалари майдонга тушадилар.

ЙЎЛ ЙЎҚ ЭКАН...

Журналист Толиб ТЎРАҚУЛ шундай ёзади: Вафот этган яқинларининг қабрини зиёрат қилишга бормай қўйган қишлоқ аҳлини эшиттанмисиз ёки бирон бир киши қазо қилганда тобут кўтариб саргардон бўлганлар-чи? Агар шундайлар бор десам ишонаверинг. Қаерда дейсизми? Қашқадарёнинг Қарши туманидаги Акмал Икромов ширкат хўжалигининг Сарой қишлоғида. Ҳа, Саройда қишлоқ қабристонига йўл йўқ. Атрофи сувли зовур билан ўралган. Одамлар тобутни кўтариб зовурни кечиб ўтиб, қабристонга боришмоқда. Ахир бу иш осон кечган тақдирда қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан ҳал қилган бўларди. Лекин шу ишга бош-қош бўлиб, йўл ўтказиш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашадиган бирорта мутасадди раҳбар топилмаяпти...

ЮЛДУЗЛАР СИМЁҒОЧГА «ОСИЛМАСА»...

Пойтахтимиз йил сайин кўркамлашиб, ободонлашиб бормоқда. Кўчалар ва хиёбонлар, истироҳат боғларида кўклам нафаси. Кенг ва равон кўчалар серқатнов. Фақат бир нарса ғашга тегаётгандек. У ҳам бўлса, турнақатор симёғочларга ёпиштириб қўйилган турли ёзувлару афишалар. Ҳайрон қоласан, киши. Наҳотки, санъатимиз юлдузларининг баҳорий чиқишларига бағишланган бундай афишаларнинг ўрни симёғочлар бўлса. Кўчалар бўйлаб бораркансан ўнгу сўлингда Юлдуз Усмонова, Мирзабек Холметов, Ғуломжон Ёқубов каби санъаткорлар номи кўзга ташланади. «Болалар», «Хўжа», «Фаёд» каби гуруҳларнинг концертлари муносабати билан чиқарилган афишалар ҳам симёғочларга ёпиштирилган. Ҳатто, бекатларда ҳам шу аҳвол. Наҳотки, шаҳри азимнинг гавжум ва серқатнов жойларида, боғу хиёбонларда ана шундай эълону афишалар учун мўлжалланган алоҳида мосламаларни яратишнинг иложи бўлмаса.

■ **Мирзо АНВАР**

«ОФАРИН» ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЖОДКОРИ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

ТАНЛОВ ШИОРИ:

Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимизни ва она заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча қўйласак оз!

Она Ватанимизни улуғлаш, унинг қадр қимматини, маънавий юксаклигини қуйлаш, дунёга олиб чиқиш ҳар бир фуқаронинг фарзандлик бурчи. Бурчни ҳар ким ўз иқтидори, имконияти даражасида бажаради. Ватан эса ўзининг фидойи фарзандларини кафтида тутади.

«Офарин» танловининг эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, йилнинг энг яхши ижодкорини танлаш, муносиб тақдирлаш Ватан ўз фазандларини нечоғли улуғлаши билан баробар. Шу кунларда танловнинг илк совриндорларини танлаш, Оскар мукофотига тенглаша бошлаган «Офарин» соврини билан мукофатлаш учун тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. Номзодлар ҳам тайин этилди. «Ўзбекистон овози» таҳририяти барча номзодларга омад тилайди.

Шу жумладан ҳамкасбларимиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, «БВВ» газетаси бўлим мудири Ирина Гребенюк, «Ҳуррият» газетаси махсус мухбири Турсунали Акбаров, «Халқ сўзи» газетаси фотомухбири Нўъмон Муҳаммаджонов, ЎзА фотоахборот таҳририяти бош муҳаррири Абдувоҳид Тўраевларнинг борлиги қувонарли, албатта. Республикамизда эълон қилинган энг нуфузли мукофотга ким совриндор бўлади, ким унинг биринчи соҳиби бўлади, буни яқин кунларда билиб оламиз.

Биз фахр билан айтишимиз мумкин, «Ўзбекистон овози» газетасининг сиёсат бўлими бошлиғи Қўчқор Норқобилнинг «Офарин» мукофотига номзод этиб кўрсатилгани барчамизни руҳлантирди. Қисқа давр ичида Қўчқор жамоада ўз ўрнини топиб бўлди, ҳатто газетанинг суянч нуқтасига айланди. Газета саҳифаларида чиқаётган мақолаларининг ранг-баранглиги, халқ қалбига яқинлиги, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, баркамол авлодни вояга етказишда энг долзарб мавзулардаги мақолалари ўз ўқувчисининг қалбидан жой топди. Айниқса, давлатимиз сиёсатини омма онгига сингдиришда ўзига хос ёндошди, тилнинг равонлиги, сўзнинг содда ва ихчамлиги, халқоналиги барчага манзур бўлди. Сиёсат энг нозик муаммо эканлигини ҳис қилган ҳолда уни ўта назокат билан тушуниш, моҳиятини англаб етиш ҳар бир журналистга ҳам насиб қилавермайди. Қўчқорнинг ҳам шоир, ҳам журналист эканлиги, ўз касбига садоқати, фидоийлиги эл орасида обрў қозонишига олиб келди.

Қўчқор Норқобилнинг насрий асарларида дунёни ларзага солаётган аҳолига қирғин келтирувчи турли урушларнинг даҳшатли манзаралари ўз аксини топади. Ўқиган кишида урушга нисбатан нафрат ўйғотади. У тирикликни теран англайди. Инсон умри мазмунини истаб ёзади. Инсонларнинг маъноли умр кечиришини хоҳлайди. Инсонга бўлган меҳр Қўчқорда жамиятга, Ватанга садоқат уйғотади. Ватанни меҳр билан куйлайди Қўчқор.

Сўз юрак сарҳадларидан отилиб чиқар экан, у ҳикматга айланади! Шеърга айланади, сеҳрга айланади! Сатрларда оҳанглар жилоланади, куй таралади сатрлардан. Куй қўшиққа айланади, Ватан ҳақида қўшиқ юракни юракка кўчиради.

Ижодкорлик ҳам катта оқим, унинг маҳзанида барча баробар оқади. Кимдир кимгадир суянч бўлади бу соҳада. Қўчқор Норқобил ана шундай суянч бўладиган ижодкор.

Муҳтарам «Офарин» танлови номзодлари худбинликда айбламанг-у, биз албатта Қўчқор Норқобилнинг ғолиб бўлишини истаб қоламиз. Бу фақатгина Қўчқорнинг ютуғи эмас, балки бутун жамоанинг ютуғи бўлади.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ**

2000 йил, 14 март, соат 19⁰⁰ да «Халқлар дўстлиги» саройида «ОФАРИН» йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган адабий-бадиий мусиқали кеча ўтказилади.

Ижодкорлар байрамига марҳабо, азиз юртдошлар!

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

РАҒБАТ – ТАШАББУСГА ДАЪВАТ

Мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, давр билан ҳамнафас бўлиб, янгиликларни ҳаётга дадил жорий этаётган корхоналар бу борада анча илгарилаб кетишди. Муҳими, бундай корхоналарда цехларни таъмирлаш, уларга замонавий асбоб-ускуналар, узлуксиз линияларни ўрнатиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ва сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.



Бундай чуқур ислоҳотлар юртимизнинг энг шимолидаги Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда ҳам яққол сезилмоқда. Хусусан, «Хўжайлимой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида рўй бераётган иқтисодий ўзгаришлар фикримизнинг яққол далилидир. Бундан қарийб 50 йиллар аввал ишга туширилган ушбу корхона асосан қўшни туманларда етиштирилган пахта чигитини қайта ишлаш мақсадида бунёд этилган эди. Корхонанинг асосий маҳсулоти бўлмиш ўсимлик ёғи Қорақалпоғистон аҳолиси дастурхонига етказиб бериш кўзда тутилганди. Лекин афсуски шу даврда бу маҳсулотлар корхона меҳнаткашларининг кўзи ўнгида вагонларга ортилиб узоқ шимолга ташиб кетиларди. Атроф қишлоқдагилар эса гоҳо бир чўмич мойга муҳтож бўлиб қолишарди.

Истиқлол шарофати билан бундай бедодликларга чек қўйилди. Корхона ишчи-хизматчилари тез орада ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мустақил юрт манфаатларига хизмат қилишини ҳис қилишди. Бу ерда 1994 йили муҳим ишга қўл урилди. Яъни, «Хўжайлиёғ» ишлаб чиқариш заводи «Хўжайлимой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси этиб кўп йиллар шу соҳада меҳнат қилган, тажрибали, ёғ саноати муҳандис-технологи Матниёз Раимбоев сайланди. Матниёз ака ҳақиқий ёғчи эмасми, шу боис у ишни технологик жараёнларни такомиллаштиришдан бошлади. Ҳар бир соҳага ўз ишининг билимдони бўлмиш кадрлар ишга қўйилди. Корхонанинг умумий иқтисодий кўрсаткичларини пасайтириб юборадиган ҳолат — ташмачиликнинг барча кўринишлари бартараф этилди. Зеро, корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг, у бутунлай одамларнинг мулки бўлиб қолган эдида. Шу боис тайёрланган маҳсулот кам-кўстсиз истеъмолчиларга етказиб берила бошланди. Натижада жамият аъзоларининг манфаати ҳам шунга яраша кўтарилди. Ойлик маошлар ошиб борди. Энг муҳими, бу ерда инсон омили биринчи ўринга кўтарилди.



Бу эса ўз навбатида ўзининг самарасини бермай қолмади. Бу ҳақда ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Низомиддин Медетов тўлқинланиб ҳикоя қилди

— Ўтган йили корхонамизда 22646 тонна пахта чигити қайта ишланди. Шундан 2982 тоннага яқин тозаланган ёғ ишлаб чиқарилди. 10000 тоннага яқин кунжара, 8000 тоннадан зиёд шелуха мижозларга етказиб берилди. Бундан ташқари 313,3 тонна сопсток ҳам тайёрланди. Бу маҳсулот совун ишлаб чиқарувчи корхоналар учун асосий хомашёлардан биридир. Яна бир гап. Кейинги йилларда ўзимизнинг хомашё базамизни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бинобарин, корхонамизнинг қуввати йилига 45-50 минг тонна чигитни қайта ишлашга етгани ҳолда, бизга келтирилаётган чигит миқдори кескин камайиб кетди. Шу боис ҳам эндиликда ёғли ўсимликларни экиб, ундан мўл ҳосил олиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Бу борада дастлабки, дадил қадамни қўйдик, десак муболаға бўлмайди. 1999 йилда туманимиздаги хўжаликлардан бирида 300 гектар майдонга кунгабоқар эктирдик. Деҳқонларни уруғлик, ўғит, техника ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминладик. Барака топишсин, миришкорлар. Астойдил тер тўкишди. Кунгабоқардан мўл ҳосил кўтаришди. Корхонамизга қайта ишлаш учун 179,4 тонна кунгабоқар топширишди. Бу хомашёни қайта ишлаш натижасида 42,2 тонна сифатли кунгабоқар ёғи олинди. Бу йил эса кунгабоқар экиладиган майдонларни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Умуман ўтган 1999 йилда ҳиссадорлик жамиятида 723 миллион 500 минг сўмликка яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, эл дастурхонига етказиб берилди. Соф фойда 6 миллион 122 минг сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда корхонада бўлган киши улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлади. Яна цех қурилаётган экан. Бу қандай цех, у нималар ишлаб чиқаради, деган саволимизга жамият бошқаруви раисининг муовини Ўринбосар Колбаев қуйидагича жавоб қайтарди:

— Бугунги кунда ўз маҳсулоти сифатини яхшиламаган корхонанинг келажаги йўқ. Шу мақсадда биз қатор хорижий мамлакатлар ёғмой саноати технологияларини ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш йўлидан бормоқчимиз. Жамият бошқарувининг раиси Матниёз Раимбоев Жанубий Кореяга бориб, йирик корхоналардаги ёғ ишлаб чиқариш технологияси билан танишди. Пировардида кореяликлар билан қўшма корхона тузиш ҳақида келишиб олишди. Шу боис, бу ерда кунгабоқардан ёғ олиш цехини бунёд этмоқдамиз. Хорижий ҳамкорлар эса ўз навбатида мана шу цехимизга 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги асбоб-ускуна, дастгоҳ ва технологик линияларни ўрнатишмоқчи. Яқин келажакда бу эзгу иш амалга ошишидан умидвормиз.

Ҳа айтмоқчи, ҳиссадорлик жамиятининг 3000 гектарлик ёрдамчи хўжалиги ҳам мавжуд. Шундан 2300 гектари суғориладиган ерлар. Шунинг 2000 гектарига бу йил кунгабоқар экилади. Бундан ташқари Нукус ва Қонликўл туманларидан яна 1000 гектар ер олинди. Бу ерларга ҳам кунгабоқар экиш мўлжалланмоқда. Корхонага қарашли қолган 300 гектар ерда эса озуқа экинлари экилади. Ахир, ёрдамчи хўжаликда 850 бош қорамол бор-да. Етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотлари эса ҳиссадорлик жамияти умумий овқатланиш тармоғига ҳамда ишчи-хизматчиларга арзон нархда етказиб берилади.

Ҳиссадорлик жамиятида меҳнат аҳлининг маданий-маиший шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Одамлар эса бунга жавобан ўз иш жойларида фидойилик кўрсатишаётир. Тўхтарбой Бобожонов, Фрося Ким, Юсуфбой Рўзимов ва бошқалар кўпчиликка ибрат бўлишмоқда.

Ҳа, 273 кишилик «Хўжайлимой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти меҳнаткашлари эртанги кунга ишонч билан яшамоқдалар. Улар кун сайин янги-янги ўзгаришларга пешвоз чиқиб, бу ишда ўзлари ҳам фаол иштирок этишаяпти. Ҳадемай ушбу корхона ҳам замонавий технологияларнинг энг нодир мажмуига эга бўлиб сифатли маҳсулотлари билан халқимиз эътиборини қозонаверади.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

Суратларда: ҳиссадорлик жамияти цехларидаги меҳнат жараёнидан айрим лавҳалар.

ПАРТИЯ ВА ҲАЁТ

ТАҲЛИЛИЙ МУЛОҚОТЛАР – ЯНГИЧА УСЛУБ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши 1999 йил якунлари таҳлилини ўзига хос тарзда ташкил этди. Кенгашга маҳаллий ташкилотлар мутасаддилари таклиф этилиб, мулоқот ўтказилди.

Ҳар бир туман кенгаши раҳбари билан алоҳида, юзма-юз мулоқот услуби танланиб, партиявий-ташкилий, мафкуравий ишлар, обуна масалалари, молиявий соҳадаги якунлар таҳлил қилинди, йўл қўйилган камчиликлар, юзага келган муаммоларнинг сабаблари ўрганилди. Келгусидаги вазифалар аниқ-тиниқ белгилаб олинди.

Таҳлилий мулоқот вилоят кенгаши олдида турган вазифаларни амалга ошириш имкониятларини юзага чиқарди.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АЪЛОЧИ ЁШЛАР ПАРТИЯ САФИГА

Ғаллаорол агробизнес коллежи ХДП аъзоларининг сони яна учтага кўпайди. Аълочи, жамоатчи, ташаббускор ёшлар партия аъзоси бўлдилар.

— Халқ демократик партияси сафи ёшлар ҳисобига мустаҳкамланиши керак, — дейди коллеж раҳбари Хўжам Ғозиев. — Бу партиянинг янги Дастурида ҳам таъкидланган. Улар партиянинг ғояларини тарғиб қилишда муҳим рол ўйнаши табиий. Бу йил яна ёшлардан партия сафига қабул қиламиз. Партия ташаббуси билан ўқув даргоҳида оммавий-сиёсий ва маърифий ишлар кун сайин яхшиланмоқда.

■ **Пардабой ТОЖИБОЕВ**

ЗИЁ МАСКАНИ ҲАММА ЖОЙДА БЎЛСА...

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори Ислом Шоғуломовнинг «Маърифатга қайтиш» номли мақоласини («Ўзбекистон овози» 25.XII.1999 йил) ўқиб

Ушбу мақолада маърифат ва маънавиятга дахлдор бир қатор муҳим масалалар кўтарилганки, уларга бефарқ қараш асло мумкин эмас.

Дарҳақиқат, ўзбек матбаачиларининг отахони куюниб ёзганидек, «...кейинги йилларда шоир, ёзувчи, илм аҳли билан учрашувлар, турли тадбирлар камайиб кетди. Бир пайтлар таҳририятларда ҳам ижодий учрашувлар бўлиб турарди. ... Бундай маросимлар ўтказадиган жойнинг ўзи қолмади. Бу эса ижод аҳли ўртасидаги адабий мулоқот, баҳс, ўзаро фикр алмашуви имкониятларини камайтириб қўйди».

Сир эмас, халқимиз, айниқса, адабиёт мухлислари, ёш ижодкорлар бундай мулоқотлар, учрашувларга ҳамиша ташна! Ахир, ўзимиз ҳам бир вақтлар халқимизнинг суюкли шоирлари — Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларни фақат китоблари орқалигина эмас, бевосита улар билан бўлган турли унутилмас, бетакрор учрашув-мулоқотлар орқали ҳам ўзимиз учун қайта кашф этганмиз-ку! Буни фахр билан эътироф этамиз. Ҳозирги авлод ҳам шундай кашфиётлар қилишга, бундай мулоқотлардан баҳраманд бўлишга ҳақли.

Ислом Шоғуломов ана шу муаммони ҳал қилиш учун концерни қошида «Шарқ зиё маскани» деб номланган маданият ва маърифат уйи ташкил этиш нияти туғилганлигини маълум қиладики, агар амалга ошса, бу ғоят хайрли, савоб иш бўлур эди. Мақолада қайд қилинишича, бўлажак бу масканда турли учрашув, тадбирлар ўтказилишидан ташқари, яна кутубхона, газета-журналлар тахламлари учун алоҳида хоналар ҳам ажратилиши кўзда тутилган. Камхаржроқ, китоб, газета-журнал сотиб олишга қурби етмайдиган, аммо мутолаани яхши кўрадиганлар учун бу айни муддао!

Эсимда, талабалик йилларимизда, гарчи китоб сотиб олишга имкониятимиз бўлса-да, кутубхоналарга серқатнов эдик. Қироатхоналардаги ғаройиб сукунатнинг сеҳрига ошуфта эдик. Афсуски, ҳозирги ёшларнинг аксарияти китоб ўқимай қўйди. Маънавиятимиз жонкуярларини бу ҳол жиддий ташвишлантириши лозим.

Талабалик йилларидаги яна бир манзарани эслагим келади. Ҳозирги Амир Темур хиёбонида ва Навоий театри ёнида бир қатор марказий газеталарнинг янги сонлари махсус ойнаванд кўргазмаларга доимий равишда осиб қўйилар, бу ердан мухлислар, муштарийлар аримас эди. Футболга ўта ишқибоз Дониёр деган курсдошимиз эринмай, талабалар шаҳарчасидан бу ерга келиб, ўзини қизиқтирган газеталарни ўқиб кетарди. Янглишмасам, муштарийларда ана ўша табиий эҳтиёж ҳали-ҳамон бор. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Гоҳо таҳририятларга мухлислар, муаллифлар келиб, «Менга газетанинг фалон сонини топиб берсангиз», — деб илтимос қилиб қолишади. Энди шундай мухлисларни, агар улар пойтахтда бўлишса, бемалол юқоридаги зиё масканига йўллаш мумкин бўлади.

Ҳурматли муаллифнинг ўз вақтида айтилган муҳим таклифига қўшимча қилиб айтмоқчиман:

Менимча, бундай зиё маскани фақат пойтахтдагина эмас, ҳар бир вилоят, туман марказларида ҳам очилмоғи лозим. Маънавиятимиз жонкуярлари ушбу янги ишни ташкил этишни, малака ва тажрибани пойтахтга келиб, ташаббускор «Шарқ зиё маскани»дан бемалол ўрганиб кетишлари мумкин. Жойлардаги мутасаддилар, айниқса маънавият, комил инсон тарбияси билан бевосита шуғулланишга масъул шахслар бу хайрли ташаббусга астойдил бошқош бўлсалар, ушбу эзгу ниятни амалга ошириш қийин эмас. Истак-хоҳиш бўлса бас.

Юқорида тилга олинган долзарб масалалар маърифат ва маънавиятга бевосита дахлдордир. Шу боис улар қанчалик тез амалга оширилса, баркамол инсон тарбияси билан боғлиқ ишларимиз ҳам анча жонланиб қолади, деб ўйлайман.

■ **Шодмон ОТАБЕК**

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

БИНАФША

Суюкли баҳор ўлкамиз узра кезмоқда, унинг фазилати ва саховати ўзгача. Ариқ, сой, жилға бўйлаб сабза урган майса, адир-далаларнинг пўрсилдоқ тупроғидан ниш урган чучмома, бойчечак ёҳуд кишини ром этиб, маст қилувчи бинафша, алвон бисотини ёйган лолаю, лолақизғалдоқ — кишини мафтун этади.

Баҳор даракчиси бўлмиш митти бинафша нафақат ўзининг бежирим кўҳлик кўриниши билан, балки ўзига хос атри-уффори билан кишини беихтиёр тўйиб-тўйиб нафас олишга ундайди.

Бинафша жуда қадим замонлардан бери Юнон ва Рум шоирлари, олиму фузалолари томонидан мадҳ этилиб келинган. Кўҳна замонларда халқ табобатида бинафша бир қатор хасталиклар давоси сифатида қадрланган. Жумладан, бинафшанинг ердан юқори қисми қуритилиб чой-дамлама сифатида ўпка йўли шамоллаганда, балғам кўчирувчи сифатида ҳамда буйрак ва пешоб халтасидаги (қовуқ) тошларини нуратиш мақсадида тавсия этилган. Оврўпаликлар бинафша асосида тайёрланувчи дори-дармонларни никриз (подагора), бод (ревматизм), беланги (радикулит) ва болалар ширинчасида тадбиркорлик билан фойдаланганлар.

Болгар халқ табобати амалиётида бинафша тери тошмаларига раддиялик қилувчи синалган даво бўлиб ҳисобланади. Қайнатилган бинафша барглари иллатли яра, чипқон, сизлоғич ва шишларга қўйилса, унинг газагини олиб етилтиради. Бинафшадан тайёрланган қайнатма юқори нафас йўллари шамоллаганда, грипп ва бодомча безларининг яллиғланишида ғарғара сифатида ишлатилса бемор ҳолатини енгиллаштиради. Бунинг учун 200 грамм сув билан қайнатилади. 15 минут қайнатилгач, сузиб олинган шарбатдан ош қошиқда кунига 4 марта истеъмол қилинади.

Халқ табобатида бинафша қайнатмаси қовуқ сустлигида маромлаштирувчи омил сифатида ҳам қўлланилади. Мабодо пешоб йўлида қум бўлгудай бўлса улардан холи бўлиш осонлашади.

Бинафшанинг бунчалик серхосиятлиги, унинг таркибидаги шифобахш моддаларнинг мажмуаси билан белгиланади. Чунончи, унинг таркибида С белгили дармондори, А белгили витамин (каротин), глюкозалар, сапонинлар, эфир мойлари, микроэлементлар, илвил ҳамда қанд моддалари жо бўлган.

Хушбўй бинафша ўлкамизнинг қарийб барча ҳудудларида табиий ҳолда учрайди. Шунингдек, бу ажойиб ислигиёҳ маданий равишда хонадонларда ҳам етиштирилади. Агар боғ ва боғчангизни бинафша билан янада файзли қилмоқчи бўлсангиз, айни ҳозирги вақтда уни пўрсилдоқ, чириндига бой жойларга чуқурроқ қилиб экилади. Экилаётган бинафшани тўпидан икки донадан қилиб ажратиб тупроққа ташланади. Уни бир тирсак масофада экиб борилса, яхши шоналаб ўсади. Бинафша беор гиёҳ бўлганлиги туфайли тезда кўзга ташланадиган бўлиб ҳовлингизга кўрк бағишлайди.

■ **Маннон НАБИЕВ, доришунос.**

ОЧИҚ ГАПЛАР

ПРОКУРОР АГАР ҚАСД ҚИЛСА...

АДОЛАТ ТОПТАЛАДИ, ИШОНЧ ЭСА СЎНАДИ

«Мен матбуотни адолат ҳимоячиси, деб биламан. Қолаверса, Президентимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида журналистлар фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишлари кераклигини айтиб ўтдилар. Тўрт нафар фарзандимни ёлғиз ўзим тарбиялаяпман. Дўконимиз бор. Шу йилнинг 7 февраль куни, кеч соат 7 дан кейин туман прокурори Х. Бекмуродов бошлиқ солиқ ходимлари дўконимни текшириб чиқишди. Ва 9 дона «Шаҳрисабз» арағини ҳамда 32 та хўжалик совунини олиб кетишди. Мулк ўзимизники. Буни айтганимда прокурор: «Керак бўлса, дўконингни давлат ҳисобига ўтказиб юбораман», деди. Аввало, Шаҳрисабз ароқ-шароб корхонаси билан шартнома тузилган бўлиб, рухсатнома асосида маҳсулотини сотамиз. Бу 9 шиша ароқ ўтган йилдан қолган эди. Мен патент асосида ишлайман, совун сотишга ҳаққим бор. Тадбиркорлик қонун ҳимоясида-ку. Сиздан мени — тўрт боланинг онасини ҳимоя қилишингизни сўрайман...»

(Китоблик тадбиркор Насиба Воҳидованинг шикоят хатидан).

Эриш туюлса ҳам айтай: давр руҳини мусиқага ўхшатаман. Ҳамиша янгиланишда. Нолишлар, тилга ва дилга кишан солинган кунлар ўтди. Қалбимизни келажакка ишонч туйғулар тўлдирган. Китоблик тадбиркор аёлнинг газетамизга йўллаган шикоятига ҳам шу кун талаби асосида муносабатда бўлишга ҳаракат қилдим. Шунда айрим фикрлар чалкашдай туюлди.

— Прокурор, солиқ ходимлари, харидор ва гувоҳлар иштирокида тузилган далолатномада белгиланган тартибларни бузганлигингиз қайд этилган экан, — дейман унга. — Тағин қандай талабларингиз бор?

— Яна қайтараман, спиртли ичимлик сотиш учун шартнома ва рухсатнома бор, — дейди куйиниб Насиба Воҳидова. — Бу йил маҳсулот олганимиз йўқ. Патент асосида ишлайман. Шунинг учун совун сотишга ҳаққим бор. Ўша куни солиқчиларнинг текширишга рухсатномалари йўқ эди. Бу қонунбузарлик эмасми? Энди айтинг-чи, прокурорнинг шахсан текширишига, дўконингни давлат ҳисобига ўтказиб юбораман, деб дўқ уришишга ҳаққи борми?

— Солиқчиларда тадбиркорлар ишига ҳуда-беҳуда аралашмаслик талаби қўйилаётган ҳозирги пайтда рухсатномаси бўлиши шарт. Прокурор эса шахсан текшира олади. Айтишингизча, иш судга ўтказилибди. Натижаси билан танишиб кўраман.

— Қизиқ, сиз прокурорни ҳимоя қилаяпсиз. Унинг нималар қилаётганини биласизми? Ҳеч бўлмаса, Зариф Бурҳонов ундан қандай азият чеканини эшитганмисиз? Қани адолат?

— Ноҳақ ҳақорат юзасидан шикоят қилишга ҳаққингиз бор. Сизнинг ишингизда охирги хулосаларни кутайликчи. Энди талаб қилар экансиз, бу ишни ҳам ўрганиб кўраман...

Тўрт нафар фарзандини ёлғиз ўстираётган тадбиркорни менинг гапларим қаноатлантира олмаётган эди. Йигирма йилдан ошиқ журналистлик фаолиятимда таассуротларга эмас, ҳужжатларга таянишга ўргандим. Тўғри, Китоб туманини алғов-далғов қилган айрим воқеалар ҳақида эшитганман. Прокурорликка тайинланганига беш ойча бўлган Қалқон Жўраевнинг тўсатдан бўшатилиши сабабларини ҳеч ким англолмаган, рости ёш кадрга ачинишган эди. Унинг ўрнига тайинланган туманлараро прокурор Х. Бекмуродов билан суҳбатлашганимда, ишчан, қонунга ҳамиша амал қиладиган ҳуқуқшунос сифатида таассурот қолдирганди. Бу ўртада катта бир хўжаликнинг раҳбари билан тортишув бошланиб кетди. Ким ҳақ эди бу ишда?

Тўғри, бу кишининг чеккан азиятлари ҳақида телекўрсатув берилган эди. Аммо, шусиз ҳам Зариф Бурҳонов ўзига хос салоҳияти ва тадбиркорлиги билан вилоятда танилган кишилардан. Оддий агрономликдан масъулиятли вазифаларга кўтарилган, қатъиятли ва янгиликка ўч. Фаолиятининг кўп йиллари «Китоб» деҳқончилик саноат фирмаси билан боғлиқ. Фақат хулоса чиқариш учун айтай. Хўжалик узум етиштиришда вилоятда олдинги ўринда. Голландиядан техникалар олиб келишди. Иқтисоди бақувват. Туман марказидаги ўйингоҳ, газлаштириш учун қувурларга ҳам шулар маблағ тўлашган. Кейинги тўрт йилда 4 та мактабни хўжалик ҳисобидан қуришди. Ўтган йилнинг ўзида 9 та янги трактор сотиб олишди. Агар ўтган йили тумандаги барча хўжаликларнинг олган соф фойдаси 90-95 миллион сўм бўлса, биргина шу хўжаликники 104 миллион сўмдан ошади. Иш ҳақлари оймаой берилмоқда. Меҳнат таътилларига ҳақ тўланаяпти. Қишлоқ хўжалигидан салгина хабардор киши бу муваффақиятлар ўз-ўзидан келмаётганини англайди, албатта. Ўтган сайловларда одамлар ишонч билдиришди. У Қашқадарё вилояти кенгаши депутати, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлиги доимий комиссиясининг раиси этиб сайланди. Энди ҳақли савол туғилади: шунча ибратли ишлар қилган раҳбар нега прокурорга ёқмай қолди? Тадбиркор аёлнинг гапида жон борми?

— Мен бу воқеани билмайман, аммо одил суд оқ-қорани ажратиб беради, — дейди Зариф Бурҳонов курашчан одамларга хос қатъият билан. — Бироқ ўша тадбиркорнинг фикрига қўшиламан. Туман прокурори Хушмурод Бекмуродовнинг ноҳақ ишлари кўп.

— Ана шулар ҳақида гапириб берсангиз, — илтимос қиламан ундан. — Бириники мингга, мингники туманга, дейдилар.

— Қонун бузилишлари билан боғлиқ масалалар ниҳоятда мураккаб, — дейди у. — Улар фақат хизмат текшируви ўтказилгандагина тўлиқ очилиши мумкин. Қўйинг, ўша воқеаларни эслатманг. Ана боринг, одамлар билан гаплашинг, ҳужжатлар билан танишинг. Фақат бир воқеани айтмоқчиман. Прокурор янги келгандан кейин, хўжалигимизнинг кассасини текширтира бошлади. Қўнғироқ қилсам, «газ учун пул йиғаётганларингиз ҳақида маълумот бор», деб жавоб берди. Қандай газ, қандай пул? Йўқ, бу текширтекширнинг бошланиши экан. Кўнглим алдамади...

Асабларни қақшатган воқеаларни эслаш унга оғирлик қилаётганди. Шунинг учун хўжалик идорасига ўзим бордим. Бош ҳисобчи анча иккиланишлардан кейин, ҳужжатларни тутқазди, айрим ишчиларни чақиртирди.

— Олти нафар фарзандим бор, — дейди Кимё Ниёзова. — Тўрт киши 3,5 гектар боғни ижарага олганмиз. Тағин 2,5 қути қурт боқдик. Магазинда ун йўқ эди, ҳориб қолганимизда иш ҳақимиз учун 191 кило буғдой беришди. 45 килосини торттириб келгандик, қолганини олиб кетишди.

— Биз ҳам ижарачимиз, қурт ҳам боқамиз, — дейди Тўлғон Ғозиева. Раисимизга раҳмат, иш ҳақига 95 кило буғдой бердирди, нон қилиб едик. Афдик. Соф фойдамиз 104 миллион сўмдан ошди. Галла 210 гектар ерга экилган эди, ҳосилдорлик 45 центнерга етди. Натижада шартномадаги 440 тонна ўрнига давлатга 647 тонна дон сотдик. Энди 24 гектар жойдаги бедага аралашган буғдойга келсак, ҳосилдорлиги 5 центнердан тушди. Фақат ер кучлилиги учун бошоқ боғлади. Молларга озуқа қилмадик, балки 11 суски, 70 килосини тортиб олишди. Милиция ходимлари келганда, ёлғиз ўғлим бирор гуноҳ иш қилибдими, деб қўрқиб кетдим. Журналист экансиз, энди бир савол: наҳотки, шунча меҳнат қилиб, бир кафт дон ололмасак?..

Адолатни талаб қилаётган аёлларнинг дала ишларида ёрилиб, даҳаллашиб кетган қўллари, изтиробли юзларига қараб мен ҳам ўйга толаман: нега ва нима учун? Наҳотки, меҳнаткаш ўзи етиштирган маҳсулотдан баҳраманд бўлолмаса? Аммо ҳиссиётларни юракка кўмиб, совуққонлик билан ҳужжатларни варақлайман. Улардан бирида — 1999 йилнинг 27 майида ўтган қўшма йиғилишда озуқа учун беда билан аралаш экилган буғдойни сифатсиз бўлгани учун меҳнат ҳақига тарқатиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги қайд этилган экан.

— Хўжалигимиз боғдорчилик, — изоҳ беради бош ҳисобчи Тожи Тошпўлатов. — Ўтган йили ҳам 7 минг тоннадан ошиқ узум етиштириб, қайта ишладик. Биргина шунинг ўзидан давлатга 63 миллион сўм акциз солиғи тўлатонна 600 килограмм буғдойни ишчи-хизматчиларга иш ҳақи сифатида тарқатдик. Чунки одамлар пилла боқишдан чарчаб чиққан, рўзғорларида сал қийинчилик туғилганди. Бор гуноҳимиз шу. Текширтекшир бошланиб кетди.

Шу ўринда текшириш республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан бошланганлигини таъкидлаш лозим. Чунки қарорда дон сотиш шартномасини ва уруғлик жамғаришни бажармасдан туриб, меҳнатга маҳсулот билан ҳақ тўлаш мумкин эмаслиги кўрсатилганди. Агар ҳукумат қарорига масъулият билан ёндошилганда, меҳнат ҳақи учун берилган доннинг сифатини аниқлашнинг ўзи кифоя эди. Пировардида бу дон сифатсиз эканлиги, давлатга сотиш ва уруғлик учун яроқсизлиги ҳақида лаборатория хулосаси олинди. Бироқ, далиллар ҳукумат қарори ва дон тарқатилганлиги текшириш учун бир сабаб бўлгани, аслида прокурорнинг мақсади бошқа эканлиги англаниб турибди.

Прокурорнинг кўрсатмаси билан хўжаликнинг 1998 йил бошидан 1999 йил май ойигача бўлган бухгалтерия ҳужжатлари олиб қўйилди. Тафтиш бошланди. Хўжалик раҳбари Зариф Бурҳонов Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг 205-ва 209-моддаларида кўрсатилган жиноятларни қилганликда айбланиб, 7 июнда тергов бошланди. Аммо раҳбарни ҳеч илинтириб бўлмаётган эди. Натижада туман прокурори Х. Бекмуродов шахсан бошида туриб, хўжаликнинг вино ишлаб чиқарадиган корхонасидаги маҳсулот солинган идишларни муҳрлатиб ташлади. Бу ҳақдаги баённома 1999 йилнинг 24 июнь кунида тузилган ва «баланд овоз билан ўқиб эшиттирилган» эди...

